ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, ЮРТДОШЛАР!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 102 (9.294) 1999 йил 30 август, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

*БИЗ НИШОНЛАЁТГАН БАЙРАМЛАР ОРАСИДА ЭНГ УЛУҒИ ВА АҲАМИЯТЛИСИ — БУ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИДИР. БУ КУНДА БИЗ ЎТГАН ДАВРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРНИ САРҲИСОБ ҚИЛАМИЗ, БОСИБ ЎТГАН ЙЎЛИМИЗГА ЯНА БИР НАЗАР ТАШЛАБ, БАҲО БЕРАМИЗ. ШУ МАЪНОДА АЙТИШ МУМКИНКИ, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҲАР БИР ЙИЛИ ОЛДИМИЗГА ҚЎЙГАН МАҚСАДЛАРИМИЗ ТОМОН ТАШЛАНГАН ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМДИР. ОДАМЛАР БИЗ ТАНЛАГАН МУСТАҚИЛЛИК, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИ ТЎҒРИ ЭКАНЛИГИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛМОҚДА. ЭНГ МУҲИМИ, МИЛЛАТИ, ЭЪТИҚОДИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР БУ ҲАҚИҚАТНИ ЧУҚУР АНГЛАБ ЕТМОҚДА. ЗЕРО, МАҚСАДИМИЗ — ОДАМЛАРИМИЗГА ЭНГ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДАГИДАН ҲАМ КЎРА ЯХШИРОҚ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ. МЕН ШУНДАН МАМНУНМАНКИ, ЎТГАН БИР ЙИЛ ДАВОМИДА БИЗ БУ БОРАДА КЎП ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА МУВАФФАҚ БЎЛДИК. БУГУН БИЗ ҚУРГАН ИНШООТЛАР ЭСА, БУНИНГ ЯҚҚОЛ ДАЛИЛИДИР.*

**Ислом КАРИМОВ**

# 8

## ДАВР САДОСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ 1 сентябрь — Мустақиллик куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига кўплаб табрик телеграммалари келиб турибди.

◆ «Шарқ тароналари» иккинчи Халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонлари улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темурга юксак эҳтиром рамзи сифатида унинг ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

### ЖАҲОНДА

◆ Япония парламентининг молиявий масалалар бўйича қўмитаси вакиллари мамлакат миллий валютаси — иенни иложи борича тезроқ деноминация қилиш зарурлиги тўғрисидаги баёнотни эълон қилди. Унда айтилишича, иен 100:1 нисбатда алмаштирилиши ҳамда янги валютанинг қиймати АҚШ доллари ва еврога тенглаштирилиши зарур.

◆ Лондонда чоп этиладиган «Файнэншд таймс» газетасининг етакчи журналистлари ушбу нашрни тарк этиб, ўз электрон газетасини ташкил қилишни мўлжалламоқда. Янги нашр интернет орқали тарқатилади.



# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БУЮК НЕЪМАТ





***Истиқлол байрами арафасида мамлакатимизда йирик иншоотлар, корхоналар, боғ ва хиёбонлар, ўқув даргоҳлари, спорт мажмуаларини фойдаланишга топшириш яхши анъанага айланган. Мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллик тўйини ҳам халқимиз ажойиб тўёналар билан қарши олмоқда.***

***28 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент шаҳридаги ана шундай байрам иншоотлари билан танишди.***

Дастлаб, давлатимиз раҳбари тўлиқ таъмирдан чиққан Ўзбекистон Миллий цирки биносини кўздан кечирди.

Айтиш жоизки, 1975 йилда қурилган цирк шу пайтгача умуман таъмирланмаган эди. «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг «Сифат» акциядорлик корхонаси томонидан амалга оширилган таъмирлаш ишларидан сўнг у бутунлай ўзгача чирой касб этди.

Юртбошимиз цирк, аввало, болаларнинг севимли масканига айланиши, бу ердаги барча жиҳозлар уларнинг эҳтиёжига қараб ўрнатилиши лозимлигини қайд этди. Бу ер нафақат болаларимиз томоша кўрадиган, балки дунёни, унинг сирларини ўрганадиган, инсон нималарга қодир эканлигига гувоҳ бўладиган жой бўлсин, деди Президент.

Байрам тўёналаридан яна бири пойтахтимизнинг Юнусобод туманида барпо этилган янги кўприкдир. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ободонлаштириш бош бошқармаси буюртмасига биноан, 7-кўприк қурилиши трести ҳамда «Тошметроқурилиш» бошқармаси томонидан бунёд этилган бу иншоотнинг умумий узунлиги 500 метр. Унда икки йўналишда бир йўла уч қаторда машиналар ҳаракат қилиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, янги иншоот ўзининг қурилиш услуби, технологияси, мустаҳкамлиги билан Ўрта Осиёда ягона. Монолит қуйма кўприкни барпо этишда тежамкорликка ҳам алоҳида эътибор берилиб, унинг қурилишига 500 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди. Тежамкорлик, замонавий технология ва албатта, бунёдкорларимизнинг маҳорат ва матонати 1,5 йилга мўлжалланган ишнинг саккиз ойда бажарилишига сабаб бўлди.

Кўприк билан танишув чоғида Президент Ислом Каримов одамларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қиладиган бу иншоотни барпо этишда қатнашган қурувчиларга миннатдорлик билдирди.

Ислом Каримов ташландиқ майдон ўрнида қад ростлаган кўркам Юнусобод деҳқон бозорини ҳам кўздан кечирди. 1500 савдо ўрнига мўлжалланган бу иншоотнинг қурилишига 600 миллион сўм маблағ сарфланди. Бозорда гўшт-сут ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун ҳам алоҳида павильон қурилган бўлиб, у совутгич ва музлатгичлар ҳамда бошқа зарур замонавий техника билан жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбари янги иншоот билан танишар экан, истиқлолдан сўнг мамлакатимиз бозорлари янгича чирой касб этиб, сотувчи ва харидорлар учун барча шароит яратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра, Тошкентнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида мустамлакачилик даври қурбонлари хотира мажмуи барпо этилади.

Мамлакатимиз Президенти бу ерда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, мазкур мажмуа юртимиз мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни ҳурлик ва озодликка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатағон этилган ватандошларимизнинг мўътабар хотирасига чуқур эҳтиром рамзига, халқимизнинг муқаддас зиёратгоҳига айланиши зарурлигини алоҳида қайд этди.

Шунингдек, Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг спорт мажмуасини ҳам кўздан кечирди.

Жаҳон андозалари асосида бунёд этилган мазкур спорт мажмуида олтита теннис корти, бассейн, мини-футбол, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, гольф майдончалари, шейпинг, аэробика, оғир атлетика учун тренажер заллари, 12 минг томошабинга мўлжалланган футбол стадиони, ресторан мавжуд.

Давлатимиз раҳбари спорт иншооти билан танишиб, унинг замонавий талаблар асосида барпо этилганлиги, энг сўнгги андозаларга жавоб берувчи ускуналар билан жиҳозланганлигидан мамнуният изҳор этди.

Шу ернинг ўзида Президент Ислом Каримов журналистлар билан мулоқотда бўлди.

*Беҳзод УСМОН,*
*Анвар БОБОЕВ,*
*ЎзА мухбирлари.*
*Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.*

# ЮКСАЛИШ ВА ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДАН

## Тошкент шаҳар ҳокими Козим ТЎЛАГАНОВ билан суҳбат

**— Козим Носирович, мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллигини нишонлашимизга ҳам саноқли кунлар қолди. Ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаган ёш давлатимиз айрим қийинчиликларга қарамай, ўз йўлидан собитқадамлик ва ишонч билан одимламоқда. Ҳаётнинг ўзи ушбу йўлнинг тўғрилигини исботламоқда. Бинобарин, ўтган яна бир йил бизнинг севимли пойтахтимизга янада жозиба бахш этди. Шуни айтиш мумкинки, айнан қурилиш кейинги йилларда иқтисодиётнинг барча соҳалари ва жамиятимиз маънавий ҳаётида рўй бераётган туб ислоҳотлар жараёнининг яққол исботи сифатида намоён бўлмоқда. Янги турар жой даҳалари, ноёб иншоотларга назар ташлар эканмиз, капитал қурилиш суръати ва ҳажмлари йилдан-йилга ошиб бораётганининг гувоҳи бўламиз...**

Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида ва албатта мустақиллигимизнинг саккизинчи йилида бутун мамлакатимиз ва унинг пойтахти барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотларда дастлабки, бироқ салмоқли натижаларга эришди. Сиз шу борада ҳақсизки, айтайлик иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида юз бераётган чуқур бозор ислоҳотларидан фарқли равишда айнан қурилишда улар яққол кўзга ташланади. Бундан ташқари қурилиш мажмуи эришган натижалар — очиқ-ойдин кўриниб турибди, уларни рақамлар ҳам исботлайди.

1999 йилнинг биринчи ярмида мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона ва ташкилотлар томонидан 55271,5 миллион сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди. 32664,7 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, 15326 миллион сўмлик асосий фондлар ишга солинди. Таркибий жиҳатдан капитал маблағларнинг 43 фоизини бюджет ажратмалари, 19,5 фоизини корхоналар маблағлари, 14,4 фоизини эса чет эл сармоялари ташкил этади.

Бундан ташқари, капитал қурилишга муносабатнинг тубдан ўзгарганлигини шу факт ҳам кўрсатиб турибдики, илгариги вақтларга қараганда ҳозир ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларининг фоизлар бўйича нисбати амалда тенглашиб қолди. Бинобарин, капитал маблағлар умумий ҳажмининг 46,6 фоизи ишлаб чиқариш объектларига, 53,4 фоизи эса — ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган иншоотларга тўғри келади.

Юқоридаги рақамлар шуни билдирадики, жумладан, шаҳарда ўтган вақт ичида 231,9 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилган бўлиб, бу ўтган йилгидан 18,2 фоизга кўп демакдир. Қурувчилар хайрли анъанага мувофиқ бизнинг бош байрамимизга ўз муносиб совғаларини тайёрлашди. Юнусобод ва Қўйлиқ даҳаларида транспорт қатновини тартибга солишда муҳим ўрин тутадиган иккита катта кўприк жадал суръатларда қуриб битказилди.

Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни ҳаётга татбиқ этишга алоқадор қурилиш майдонларига ҳам муҳим эътибор қаратилди. Яъни жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг қурилишида 6 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағлар ўзлаштирилди. Мустақиллик байрами арафасида Уйғур кўчасида 900 ўқувчига мўлжалланган касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Бу ерда бўлғуси қурувчилар ва коммунал хизмати ходимлари таълим оладилар. Хуршид кўчасида эса академик лицейнинг қурилиши якунланмоқда.



Яна 22 та коллеж ва лицейлар тўла қайта таъмирлашдан кейин ўз эшикларини ўсмирлар ва қизлар учун очади. Юқоридаги барча ўқув муассасалари замонавий асбоб-анжомлар, компьютерлар, ўқув қўлланмалари ва мебеллар билан жиҳозланган. Шаҳримизда Ислом университети ҳам очилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, қурилиш мажмуасидаги эришилаётган ютуқлар, бу пировард мақсад бўлмай, биз учун биринчи навбатда энг муҳими — ҳамшаҳарларимизга ғамхўрлик қилиш, улар ҳаётини янада шинам ва фаровон этишдир. Зеро, йил давомида ишга туширилган 8 километр узунликдаги газ тармоқлари, 20 километр совуқ сув ва 1,24 километр узунликдаги иссиқ сув тармоқлари, 10,4 километр канализация тармоқлари, электр транспорти объектларининг қурилишида ўзлаштирилган 2807 миллион сўмлик капитал маблағлар, шу жумладан метрополитеннинг учинчи Юнусобод йўналиши қурилишида ўзлаштирилган 2285,1 миллион сўм, деҳқон бозорларини қуриш ва қайта таъмирлаш борасида ўзлаштирилган 675,6 миллион сўмлик капитал маблағ — буларнинг бари пойтахт аҳолиси фаровонлик даражаси кўтарилаётганидан яққол далолатдир. Фақат йилнинг биринчи ярмида учта маҳалла гузари фойдаланишга топширилди, яна 22 та гузарлар қурилиши давом этмоқда. Учта маҳалла шифокорлик пунктлари ҳам мустақиллик байрамига фойдаланишга топширилади. Тўла таъмирлашдан сўнг яна Тошкент циркининг чироқлари ёниб ажойиб томошалар бошланади. Ташқи томондан у аввалги циркни эслатсада, бироқ ичкарига киргач уни умуман таний олмайсиз.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғи тубдан қайта таъмирдан сўнг яна ҳамшаҳарларимизни қабул қила бошлайди. Бу ерда кишиларнинг мароқли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Шаҳар иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Чунончи, тўрт юлдузли «Шератон — Тошкент» меҳмонхонасининг қурилиши ниҳоясига етди. «Ўзсматана» ўзбек — словак қўшма корхонаси йилига 750 минг дона сантехника анжомларини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод қурилишини охирига етказмоқда. «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазмалар маркази ҳудудида Туркиянинг «Ай-Сел» фирмаси иштирокида халқаро бизнес маркази бунёд этилмоқда. Германия фирмалари ёрдамида Тошкент аэропорти қайта таъмирланмоқда, 4—5 юлдузли меҳмонхоналарни барпо этиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда, дипломатия корпуси ходимлари учун уй-жойлар қурилиши бошланди ва у давом эттирилади. Бошқа кўпгина шу каби ишлар амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан, эҳтимол, кимлардир оддий шаҳарликлар турмуш даражасининг ошиши билан пойтахтимизда, мисол учун, кўплаб юқори классга мансуб ўта замонавий отель-меҳмонхоналарнинг пайдо бўлиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни пайқай олмаслиги мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтишни истардим. Лекин, жуда бўртиб кўринмаса-да, бу алоқа мавжуддир. Аҳолининг турмуш даражаси чет эл инвестицияларини жорий этмай туриб жадал ривожлана олмайдиган иқтисодиётнинг аҳволига тўла боғлиқ. Бизнинг навқирон мустақил давлатимизда, кўпчилик хорижий тадбиркорларнинг эътироф этишича, қулай инвестиция муҳити яратиб берилган. Айни пайтда биз хорижий бизнесменлар учун шундай шароит яратиб беришимиз керакки, улар бу ерда нафақат иқтисодий, балки соф маиший, рўзғор жиҳатидан ҳам ҳеч бир ноқулайлик ҳис этмасинлар. Демак, яхши ривожланган ижтимоий инфратузилма, хизмат кўрсатиш, меҳмонхона хўжалиги фаолиятининг юксак даражаси (бундан ташқари халқаро туризмдек «валюта келтирувчи» тармоқни ривожлантириш учун ҳам бу жуда зарур) — булар оқибат натижада шаҳар бюджетига янги тушумлар келтиради. Ва демакки, ижтимоий соҳага, кам таъминланганларни, ёлғиз кишиларни, кўп болали оилаларни ва бошқаларни адресли қўллаб-қувватлашга сарфланадиган харажатларни кўпайтириш имконини беради.

**— Ушбу мавзуни давом эттириб, умуман иқтисодиётга ўтишни маъқул кўрардик. Сиз унда рўй бераётган жараёнларнинг жуда чуқурлигини ҳамда уларни, айтайлик, ҳар ойига бир қаватдан кўтарилиб борадиган қурилишдагидек кузатиш қийинлигини таъкидлаб ўтгандингиз. Шунга қарамай, мустақиллигимизнинг саккиз йили мобайнида иқтисодиётимизнинг қон томирлари тобора кўпроқ бўртиб кўринмоқда. Уларнинг ўзига хослиги ва қудрати соф бозор структураларининг ривож топаётганлиги ҳамда давлатимизнинг кучли ижтимоий сиёсатига асослангандир. Шу ҳақда пойтахт мисолида нималарни гапириб бериш мумкин?**

— Жуда ҳақли савол. Кўп укладлиликка, кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этишга, мулкнинг ва хўжалик юритишнинг хилма-хил шаклларига, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга асосланган бозор муносабатларига ўтиш — бир кунлик ва ҳатто бир йиллик иш эмас. Бироқ бу иш мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ бошланган бўлиб, эндиликда унинг натижалари бўйича бу ишнинг самарадорлиги ҳақида мушоҳада юритиш мумкин. Лоақал ўтган йил натижаларини олиб кўрайлик. Унинг давомида иқтисодиётнинг нодавлат сектори янада кенгайиб мустаҳкамланди: ишлаб чиқаришдан бошлаб то хизмат кўрсатишгача бўлган барча соҳаларда ҳозир 14 мингдан ортиқ акциядорлик, кичик, хусусий, ижара ва жамоа корхоналари ишлаб турибди. 1999 йилнинг биринчи ярмида шаҳарда кичик ва ўрта бизнесга тааллуқли 1731 та корхона ташкил этилди. Улардан 923 таси ёки 53,3 фоизи хусусий корхоналардир.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар сони ҳам ошди — йил бошидан буён ўз ишини юритаётган жисмоний шахслардан 9 минг киши рўйхатдан ўтди.

Тадбиркорлик структуралари фаолияти натижасида олинган фойда қарийб 74,8 миллиард сўмни ташкил этди, ундан 44,8 миллиард сўми кичик корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш, улар техник базасининг сифатлилигини таъминлаш, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иши мустаҳкам ҳуқуқий базага асослангандир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 апрелдаги «Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» ҳамда унинг 1998 йил 27 майдаги «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари каби муҳим ҳужжатлар давлатимизнинг бу масалаларга катта эътибор бераётганининг далилидир. Шаҳар ҳокимияти ҳам худди шу асосда фаолият юритмоқда. Чунончи, 1999 йилнинг 1 июлигача бўлган ҳолатга кўра умумий суммаси 3,793 миллион АҚШ доллари ва 1600 минг дойчмаркага тенг бўлган тўрт лойиҳани молиялаштириш йўлга қўйилди. Экспертизанинг ижобий хулосасини олган умумий қиймати 8,76 миллион АҚШ доллари ва 1,43 миллион дойчмарка турадиган бешта лойиҳани молиялаштириш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари пойтахт банклари умумий қиймати 18,3 миллион АҚШ доллари ва 4,4 миллион дойчмаркага тенг бўлган ўн беш лойиҳани кўриб чиқмоқда.

Йил бошидан буён хусусий тадбиркорлик ҳамда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш шаҳар фонди томонидан 49,857 миллион сўмлик тўртта кредит ажратилди. Ушбу маблағлар реал фойда келтирадиган ва ҳозирдаёқ келтираётган ҳамда айни пайтда шаҳар бюджетига тушумларни ҳам кўпайтираётган реал лойиҳаларга сарфланаётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Мулкдорлар синфининг дунёга келиши ва оёққа туриши иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш жараёнлари билан бирга борувчи ҳодиса бўлиб, у қанчалик кўп сонли ва мустаҳкам бўлса бошланган ўзгаришларнинг муваффақиятига шунчалик тезроқ умид боғлаш мумкин. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар шаҳар ҳамда туман палаталари каби соф бозор структурасининг мавжудлиги бунга катта ёрдам беради. Қарийб 23 минг юридик шахслар ёки 86,9 фоиз товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар шу шаҳар ва туман палаталарининг аъзолари ҳисобланади. Шаҳар палатаси қошида турли хил аудиторлик, консалтинг, реклама ва бошқа хизматлар кўрсатувчи 12 дан ортиқ фирма фаолият юритмоқда. Ўз ишини юритиш муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида палата қошида тадбиркорлар гильдияси ташкил этилмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

# ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Биринчи чақириқ Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар Кенгашига депутатлар сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш ва шаҳар сайлов комиссиясини тузиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

«Халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасига мувофиқ сессияда Тошкент шаҳрида Тошкент шаҳар Кенгашига депутатлар сайлови бўйича 60 та сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Юқорида эслатиб ўтилган қонуннинг 10-моддасига мувофиқ сессияда, шунингдек, «Тошкент шаҳар Кенгашига халқ депутатларини сайлаш бўйича шаҳар сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида»ги қарор ҳам қабул қилинди. Унинг таркибига 11 киши кирди.

Сессияда шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимининг «Маҳаллий солиқлар ва тўловлар тўғрисида», «Ижара тўловлари тўғрисида», «Солиқлардан озод қилиш тўғрисида»ги қарорлари ҳам тасдиқланди.

Сессияда бир қатор ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

# ЮРТИМ, ЖАҲОН ИЧРА ЎЗИНГ БИР ЖАҲОН!

## 8 СОЛНОМАСИ

◆ «Ўзқур» — Ўзбек—Туркия қўшма корхонасида «Капила» шифобахш совуни ишлаб чиқарила бошланди.

◆ Мехико — Ситидаги Краун Плаза меҳмонхонасида Тошкентнинг «Оқшом» газеталарига халқаро маркетинг ва сифат ассоциациясининг йиллик олий мукофоти — «Олтин ва кумуш сифат белгиси — 1999» топширилди.

◆ Республика Киночилар уйида «Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» илмий-публицистик фильми миллий лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

◆ Тошкент шаҳрида «Мерседес—Бенц» автомобилларини сотиш ва уларга сервис хизматларини кўрсатишга ихтисослашган «Силкрод Стар» техник хизмат кўрсатиш станцияси очилди.

◆ «Ўзбекистон — АҚШ» дўстлик жамияти таъсис этилди.

◆ Бельгияда Ўзбекистон ютуқларига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди.

◆ «Тошкент тўқимачилик комбинати» акционерлик жамиятида корхонанинг Швейцариянинг «Сиба» фирмаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарган маҳсулотларининг тақдимот маросими ўтказилди.

◆ Акмал Икромов туманида янги теннис корти очилди.

◆ Республикада илк бор Хотира ва Қадрлаш куни нишонланди.

◆ Тошкентда Германиянинг «Дрезднер банк» ваколатхонаси очилди.

◆ Яккасарой туманида «La Roche» деб номланган илк хусусий меҳмонхона фаолият бошлади.

◆ Тошкентда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича «6+2» гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтди.

◆ Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган «Ил-114» самолётида Тошкент — Нукус йўналиши бўйича қатнов йўлга қўйилди.

◆ Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Маҳалла куни» тадбири бўлиб ўтди.

## АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

*Улуғ момоларимизга хос бўлган олижаноб фазилатлар бугунги мустақил юртимиз аёллари сиймосида давом этиб келмоқда. Ана шундай фазилатлар сирасига меҳнатсеварлик, она-юртига, унинг халқига фидойилик, баркамол, юрт истиқболи йўлида қайғурадиган фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш киради. Оилада ҳам, жамият ҳаётида ҳам тадбиркор аёлларимиз бугун ўзининг ҳақиқий баҳосини олмоқда. Айниқса, Мустақиллигимизнинг саккизинчи йили — аёлларга, муҳтарама оналаримизга бағишланиши уларга кўрсатилган юксак эҳтиром, муносиб баҳо. Ана шундай эъзозга лойиқ аёлларимиздан бири «Тошкентсут» ҳиссадорлик жамиятининг илғори, «Шуҳрат» медали соҳиби Ҳабибахон Соатовадир. Истиқлол байрамини ўзининг меҳнат ютуқлари билан кутиб олаётган Ҳабиба опага бир неча саволлар билан мурожаат этдик.*

**— Мустақиллик сизга, ҳамкасбларингизга нима берди?**

— Истиқлол нафақат менга, балки қалбида миллий ғурури, она-Ватанга муҳаббати, фарзандлари келажагини ўйлаган ҳар бир одамга бир олам бахт берди. Чунки дунёда барча одамлар озодликка, эркинликка интилиб яшайди. Мустақил фикрлаш, мустақил меҳнат қилиш, ўз юртинг номидан гапириш, «Ўзбекистон — менинг Ватаним» дейишнинг гаштини мана шу ўтаётган саккиз йил ичида чуқур ҳис этадиган бўлдик. Жамоамиз аҳлининг мулкка муносабати ўзгарди. Чунки фаровон яшашимиз ўзимизнинг қандай ишлашимизга боғлиқлигини ҳис этдик. Қутлуғ мустақиллик туфайли 25 йиллик меҳнатим эвазига мукофот олдим. «Шуҳрат» медалига сазовор бўлишим, одамларнинг меҳнатимга ҳурмат-эътибори мана шу мустақиллигимиз туфайли деб биламан.

**— Ўзингиз ана шу истиқлолга эришган юртимиз равнақига қандай улуш қўшяпсиз?**

— Аввало, она сифатида 4 фарзандим турли соҳаларда фаол меҳнат қилишмоқда. Албатта, уларнинг камолида юртим жамолини кўраман. Мен меҳнат қилаётган жамоа эса халқимиз дастурхонини янги, сифатли, тўйимли сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Бирлашган цехда ўз вазифамни сидқидилдан бажараман. Энг масъулиятли цехда ишлашимни ҳеч қачон ёддан чиқармайман. Турли маҳсулотлари тайёрланадиган хом ашёни ҳар хил микроблардан зарарсизлантиришга муносиб ҳисса қўшаман. Ўз дастгоҳимни озода ва тайёр ҳолда сақлайман. Бу вазифам учун энг муҳим нарса. Шогирдларимга ҳам буни алоҳида таъкидлаб ўргатаман.

**— Аёл маънавияти деганда нималарни тушунасиз?**

— Аёлнинг ички гўзаллигини, азалдан аёлларимизга хос бўлган ибо, ҳаё, иффат, фаросат, назокат, латофат, ширинсўзлик, самимийлик, миллий урф-одатларимизга ва қадриятларимизга ҳурмат, вафо ва садоқатни тушунаман. Аёлдаги бу фазилатларни маънавияти юксак фарзандларни тарбиялашда энг муҳим ва керакли восита деб ҳисоблайман.

**— Аёллар йилидаги ниятларингиз...**

— 1999 йилнинг Аёллар йили деб эълон қилиниши юртимизда хотин-қизларга берилаётган энг катта эҳтиром деб биламан ва бундан ўзбек аёли сифатида ғурурланаман. Жамоамизда ҳам «Аёллар йили дастури» асосида бизга бир қанча шароитлар яратилди. Иш соатимиз қисқарди, дам олиш шароитларимиз яхшиланди, профилакторийларга йўлланмалар берилмоқда, кўп болали оналарга моддий ёрдам ажратилди. Буларнинг барчасидан мамнунмиз ва эҳтиромга эҳтиром билан жавоб беришга интиламиз. Барча оналар қатори истардимки, юртимиз тинч, фарзандларимиз соғ-саломат бўлишсин. Ҳамманинг қалбида юрт меҳри, Ватан ишқи жўш урса, Ўзбекистонимиз ҳадемай тилларда достон бўлади, деб ишонаман.

*Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА.*



Янада юксакроқ парвоз қилавер тинчлик кабутари.

### Бугуннинг қадри

## ШУКРОНАЛАРИМИЗНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ...

### дейди Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Абдурашид қори БАҲРОМОВ

**— Муҳтарам муфтий ҳазратлари, Сиз билан Ўзбекистон Мустақиллигининг саккиз йиллиги арафасида учрашиб турибмиз. Ҳадемай, республикамиз барча фуқаролари бу кунни энг улуғ байрам сифатида нишонлайдилар. Шу муносабат билан ўтган вақт ичида эришилган натижалар, ютуқларни сарҳисоб қилишдек яхши анъанамиз бор. Айтингчи, шу ўтган қарийб саккиз йиллик давр динимизни, исломий қадриятларни тиклаш маъносида нималар берди?**

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Алҳамдулиллаҳ, Вассалоту вассалому аъла росулиллах ама баъд. Аллоҳ субҳанаҳу ва Таоло Қуръони Карим оятларида марҳамат қилган: астаъизубиллаҳ, агар Аллоҳ Таоло тарафиндан Сизларга берилаётган Аллоҳнинг неъматларини санайдиган, яъни ҳисоблайдиган бўлсаларингиз, ҳеч қачон унинг ададига ҳам, ҳисобига ҳам етолмайсизлар, деб марҳамат қилган. Аллоҳ Таолонинг биз бандаларига бераётган энг улуғ неъмати — биз учун бу — Истиқлол неъмати. Аллоҳнинг инояти билан жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримов жаноби олийларининг одилона олиб бораётган сиёсати туфайли, энг аввало тинчлик йўли билан Истиқлолга эришдик.

Мана Мустақилликка эришганимиздан кейин ҳаётимизнинг барча соҳаларида, шу жумладан, алҳамдулиллаҳ динимизда ҳам жуда катта ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. Жумладан, собиқ Иттифоқ даврларида жумҳуриятимизда фақат 80 та масжид бор эди, холос. Жуда ҳам кўп қадимий масжидларимиз харобага айланганди.

Бутун собиқ Иттифоқдаги мўмин-мусулмонларнинг фарзандлари мана шу юртимиздаги иккита мадрасада таҳсил олардилар. Унда ҳам Бухородаги «Мир-араб» мадрасасида 50 нафар, Тошкентдаги ислом маъҳадимизда 40 нафар талаба ўқирди, холос. Жумҳуриятимиз мустақилликка эришгандан буён, аввало, дин, виждон эркинлиги чинакамига таъминланди. Мана, ҳозир 1998 йили қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун асосида жумҳуриятимизда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар, жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, барча масжидларимиз расмий рўйхатдан ўтиб, мана ҳозир ҳеч қандай монеликсиз ишлаб турибди. Эндиликда Ўзбекистонда 1600 дан зиёд расмий масжидларимиз фаолият кўрсатяпти.

Айни пайтда жумҳуриятимизда 9 та ўрта махсус билим юртлари — мадрасалар, алоҳида ислом маъҳади — институти ишлаб турибди. Уларда юзлаб толиби илмларимиз таҳсил олмоқдалар...

**— Узр, гапингизни бўлдим — шу йил апрель ойида республика Президентининг Тошкентда Ислом университетини ташкил этиш тўғрисида Фармони ҳамда унинг ижросини таъминлаш бўйича ҳукумат қарори эълон қилинганди...**

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган бу ҳужжатларни Юртбошимизнинг муқаддас динимизни тиклаш, уни ривожлантириш йўлидаги ғамхўрликлари, ташаббус ва саъй-ҳаракатларининг янги ёрқин намунаси десак бўлади. Университетни ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад ҳақида Фармонда келтирилган қуйидаги жумлаларга эътибор беринг-а...

**«Халқимизнинг муқаддас эътиқоди — ислом динига оид бой маънавий-маданий меросини асраб-авайлаш, диёримиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг илмий ғоялари ва асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш ва замонавий руҳда ривожлантириш, шу соҳада илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш, замон талаблари даражасида малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш, уларга лозим бўлган шарт-шароитлар яратиш ҳамда аждодларимиздан қолган ноёб манбалар асосидаги тадқиқ этилган маълумотлар билан халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш...»**

Истиқлолдан олдин шундай мақсадларни ўз олдига қўювчи университет, боз устига шу даргоҳ қошида исломшунослик илмий-тадқиқот Маркази ҳамда академик лицей ташкил этишни тасаввур ҳам қилиш мумкинмиди? Асло! Фармонга мувофиқ Тошкент Ислом университети ислом динига оид таълим йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш бўйича жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасалари тажрибасидан фойдаланади, хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий марказлари билан ҳамкорликни амалга ошириб, ўша мамлакатлардан соҳанинг етук мутахассис-ўқитувчиларини жалб этиш имконига эга бўлади.

**— Исломни энг инсонпарвар дин сифатида таърифлайдилар. Унинг муҳим белгиларидан бири савоб ишлар билан боғлиқ. Энг катта савоб ишларга нималар киради? Шу билан боғлиқ бир жиҳатга ҳам эътиборингизни тортишни истардик. Мустақилликнинг дастлабки йилларида, табиийки, юртимизда масжидлар қуриш жуда авж олиб кетди. Ҳатто ҳар маҳалладаги ҳар бир кўчада масжид қурилган ҳоллар ҳам бўлган. Масжидларга ва уларнинг қурилишига мутлақо қарши бўлмаган ҳолда бу масаланинг бир жиҳати бор. Ҳар бир ишда меъёр бўлиши керак, деймиз. Бу соҳада меъёр қандай бўлиши керак? Масалан, масжид савлат тўкиб, бўш туриши керакмас, деб ўйлаймиз. Бундай ҳолат одамлар, айниқса ёшлар кўз ўнгида ҳам эътиборсизликнинг туғилишига сабаб бўлиши мумкин-ку.**

**Яна бир нарса — агар масжидларни бунёд этишда маълум бир меъёрга амал қиладиган бўлсак, бошқа катта савобли ишлар нималардан иборат бўлиши мумкин? Масалан, мактаб, болалар боғчалари ва бошқа иншоотлар, бинолар қурилишини кўпроқ тилга олишади — шу масалаларга қандай қарайсиз?**

— Албатта, 70—80-йиллар мобайнида динимизга жуда ҳам бир чанқоқ, ташна бўлган халқимиз мустақиллик неъматидан фойдаланиб, ўзлари билган-билмаган ҳолатларда масжидларни бунёд этишга киришиб кетдилар. Бу ҳам кўпчилик аҳолининг юрагида тўпланиб қолган ҳамда мустабид тузумининг динга қарши юргизиб келган зўравонлик сиёсатига норозиликнинг бир кўриниши эди. Буни тушунса бўлади. Лекин қизиқ устида қурилаётган масжид айнан шу маҳалла, кўча аҳли учун қанчалик зарур, қандай масжидларда жума намози ўқилади, қолаверса намозгоҳлар қуришнинг ҳам ўз тартиби, қонун-қоидалари бор — буларга эътибор берилмади.

Сиз айтгандай, кўп жойларда масжидлар намозхонларсиз ҳувиллаб қолди. Бундай ҳолда улар фақат рамзий маъносини сақлаб қоларди. Бинобарин, бундай тартибсизликларнинг давом этиши мумкин эмас эди. Анъанавий ислом мамлакатларида ҳам, бизда ҳам, албатта масжидларни қандай, қайси жойларда, қай тартибда қуришнинг ўз қоидалари бор. Шунингдек, жоме масжиди мақомини олувчи масжид қаерда бўлиши, кундалик намоз ўқиладиган масжидлар билан унинг оралиғи, намозхонлар тахминий сонлари ҳисоб-китоб қилинган ҳолда ҳал этилиши ҳам талаб қилинади.

Араб мамлакатларида, бошқа ислом мамлакатларида йиғилишларда бўламиз. Шу пайтларда ҳам маҳалладаги ҳатто беш вақт намоз ўқиладиган масжидлар ҳам шу маҳалланинг ҳажми, у ердаги одамлар сонига қараб қурилган. Яъни пала-партиш ҳолатда битта маҳаллага икки-учтадан масжид қуриб, эхтилофга сабаб бўладиган ишни ҳеч ким қилмаган. Бизларда ҳам, алҳамдулиллаҳ, ҳозирга келиб, мана шундай тартиб йўлга қўйиляпти.

Савобнинг ниҳоятда тури кўп. Халқимизнинг, мўмин-мусулмонларимизнинг фарзандларини саводхон, билимли қилиб тарбиялаш ҳаммамизнинг бурчимиз. Жумҳуриятимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга катта эътибор беріляпти, жуда катта маблағлар сарфланяпти. Шу ишга қурби етганча ёрдам беришга қодир кишиларимиз боғчалар, мактаблар қуришга кўмаклашсалар, халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш мақсадида шифо масканларини қурсалар, ногиронлар, етим-есирларга ёрдам берсалар — катта савобли амалларни қилган бўладилар.

Халқимизни шу масалаларга ҳам жалб қилишимиз керак. Шунинг учун диний идорамиз уламолари, уламолар кенгаши аъзолари, фаолият кўрсатиб турган барча расмий масжидларимиз имом-хатибларига жума маъвизаларида савоб бўладиган хайрли ишлар тўғрисида мусулмонларга тушунтиришни тавсия қилганмиз.

**— Яна бир саволни четлаб ўтишнинг иложи йўқ: шу йил 16 февраль воқеалари бутун халқимиз билан бирга диндорлар, руҳонийларимиз қалбларини ларзага келтиргани маълум. Дин арбоблари шу муносабат билан аҳолини турли экстремистик диний оқимлар моҳиятини, уларнинг асл мазмунини очиб беришда фаол қатнашишди.**

**Айни пайтда ёшларимизнинг ислом илмидан қарийб бехабарлиги, динимизнинг ғоят инсонпарварлиги, беозорлиги, мусулмончилик қонун-қоидалари энг юксак умуминсоний қадриятларга ғоят мослигини англаб етмаслиги энг катта гуноҳ — гуноҳи кабираларга қўл урилишига олиб келганлиги аниқ бўлиб қолди. Сизнинг раҳбарлигингиздаги идора ходимлари шу йўналишда халқ ўртасида олиб бораётган тушунтириш ишлари ҳам жонланди. Жойларда уламолар, руҳонийлар, дин арбоблари таълим-тарбияга алоқадор ташкилотлар, маҳалла қўмиталари, жамоат ташкилотлари билан бирга қандай иш олиб боришлари керак деб ҳисоблайсиз?**

— Юқорида мустақиллигимизнинг халқимизга берган неъматлари ҳақида бир қанча мисолларни келтирдик. Улар уммондан томчи, ҳолос. Бу ҳақда ҳар қанча гапирсак — оз. Энг улуғ неъматлардан бири — бу тинчлик неъмати, жамиятимиз барқарорлиги. Мана шу тинчлик, барқарорлик туфайли жуда катта ютуқлар қўлга киритиляпти. Шуларнинг ҳаммасини кўриб, била туриб, онги манфаатланмаган, ўзининг Ватанига, халқига, миллатига, динига душманлик қилиб юрганларнинг ҳам топилганлиги ғоят таассуфланарли ҳолдир. Ўша 16 февраль воқеалари бизларни ҳам қаттиқ ташвишлантирган. Баъзи бир хорижий мамлакатларга қочиб кетган ғаламис, ғаразгўй кимсалар ҳокимиятни қўлга олишга қасд қилиб, дунёқарашлари ҳали шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, уларни йўлдан уришди. Улар бу йўлда ўша кунлардаги қонли разилликдан ҳам қайтишмади. Аммо, Аллоҳ таологa беадад шукрлар бўлсинки, ҳурматли Йўлбошчимизга суиқасд қилган. Ватанимизга ҳиёнат қилганларнинг қабиҳ ниятлари барбод бўлди. Чунки қора ниятли кишиларнинг нияти ҳеч қачон амалга ошмайди.

Албатта, ўша қайғули кунларда, ундан кейинги турли диний экстремистик оқимларнинг асл моҳиятини тушинтириш ишларида уламоларимиз, имом-хатиблар, руҳонийларимиз четда қолмай, фаол қатнашдилар. Айниқса, «Хизбут-таҳрир» оқимининг ҳокимиятни қўлга олиб, халифаликни тиклаш шиори билан ёшларимиз онгини заҳарлашларига йўл қўймаслик учун маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида йиғилишларда тушунтириш ишларини олиб боришда турли жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилдик. Чунки, пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи вассаллам, мендан кейин халифалик 30 йил давом этади, ундан сўнг амирликлар, подшоликлар бўлади деганлар. Дарҳақиқат, худди шундай бўлди ҳам. Расулиллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассалам вафотларидан кейинги 30 йил халифалик даврида ислом дини бутун ер юзига ёйилди ва табиийки бу ҳолатда халифаликнинг сақланиб қолишига тарихан ҳам, мантиқан ҳам ҳожат қолмади. Пайғамбаримиздан кейин 30 йилдан сўнг ёки қиёматгача ҳам халифалик сақланиб қолсин, деган гаплар Ҳадиси шарифда ҳам, Қуръони Каримда ҳам йўқ.

Аслида «Хизбут-таҳрир»чилар қандайдир ғаразли ташкилотларга ёлланган кишилар бўлиб, улар беозор исломий қарашларни эмас, аниқ сиёсий мақсадларни кўзлаб ёшларимизни чалғитмоқдалар. Шунинг учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси — муфтий сифатида мен алоҳида фатво бердимки, ана шу «Хизбут-таҳрир»чилар таъсирига тушиб қолганлар тўғри йўлга кирсалар, инсофга келсалар, Аллоҳ Таологa тавба қилсалар, бу нопок йўлларидан қайтсалар деб. Алҳамдулиллаҳ, кўпгина мўмин-мусулмонларимизнинг фарзандлари тўғри хулоса чиқариб, ота-оналари билан бирга масжидларга бориб, маҳалла йиғинларига келиб, ички ишлар бўлимларига бориб, узр айтаётганликларини эшитиб хурсанд бўляпмиз.

Барча вилоятлардаги имом-хатибларимиз, уламоларимиз, фаолларимиз фатволаримизни халққа етказиб, «Хизбут-таҳрир»чилар таъсирига тушиб қолганлар ўртасида тушунтириш олиб боришдаги ишлари тўғрисида муттасил бизни хабардор қилиб туришибди. Яхши ишларимиздан бири — мутасадди ташкилотлар билан — маҳалла оқсоқоллари билан қаттиқ ҳамкорлик ўрнатилганидир. Бу ўз самарасини беряпти. Масалан, 2—3 кун олдин Чилонзор туманидан ҳузуримга икки қария келишди. Уларнинг фарзандлари «Хизбу-таҳрир»га аъзо бўлиб қолишган экан. Бирлари айтдиларки, мана мен фарзандимга ҳаддан ташқари қаттиқ сўзлар билан, андишани бир четга олиб қўйиб гапирдим, охири фарзандим хато йўлидан қайтди. Лекин биродаримнинг фарзандини ҳеч қайтара олмаяпмиз, деди. Яъни у жуда ҳам мутаассиблашиб қолган экан. Отасидан, ўғлингизнинг диний саводи борми, деб сўрадим. Йўқ экан. Бироз намоз ўқиб турар экан-у диний маълумоти йўқ экан. Эшитганини қулоғига қаттиқ қуйиб олибди. Бунга ҳам куни кеча шаҳарнинг бош имом-хатибини, идорамизнинг масжидлар бўлими мудирини жўнатдим — шу маҳаллага бориб, маҳалла аҳли олдида, шу маҳалла оқсоқолининг олдида бир мажлис ўтказинглар, улар тўғри хулоса чиқариб олсин деб. Шундай ишларга бундан кейин ҳам бутун куч ва вақтимизни аямаймиз.

**— Саволларимизга сидқидилдан жавоб бериб, қимматли вақтингизни аямаганлигингиз учун катта раҳмат. Энди яқинлашиб келаётган улуғ айёмимиз — Мустақиллик куни муносабати билан пойтахт аҳлини дуо қилиб, эзгу тилакларингизни билдирсангиз...**

— Омин: Мустақиллигимизнинг шарофати билан Аллоҳ субҳанаҳу ва Таоло Ватанимизни самовий ва арозий офатлардан сақласин. Яқинлашиб келаётган улуғ байрамни шодиёна хурсандчилик билан ўтказишни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло барчаларимизга насиб айласин. Фурсатдан фойдаланиб, жумҳуриятимиз фуқароларини, пойтахт аҳлини қизғин муборакбод этаман. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳ.

*Саид САИДВАЛИЕВ суҳбатлашди.*

### Эътироф

**Жалол ас-СОДИҚ, Қувайт халқаро хайрия жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили:**

— Ўзбекистон XXI аср сари ўзи танлаган йўлдан оғишмай қадам қўймоқда. Бугунги кунда мамлакатингизни ташқи сиёсий фаолияти хорижий давлатлар томонидан юксак баҳоланмоқда. Айниқса, ҳукуматингизнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари, Афғонистондаги урушни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган ташаббуслари дунё эътирофига сазовор бўлмоқда. Мен ўз халқим ва жамғармамиз номидан бутун ўзбек халқи ва ҳукуматини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг саккиз йиллик тўйи муносабати билан муборакбод этаман. Ҳамиша йўлингиз ёруғ ва фаровон бўлсин.

**Бобур ЖОЗ-ЖОНИ, Бирлашган Араб Амирликлари «Вест Энд Женерал Трайдинг ЛТД» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили:**

— Мустақиллик йилларида юртингизда кўпгина иншоотлар қад кўтарди. Қўшма корхоналар ишга тушди. Буларни номманом айтадиган бўлсак, анча давом этиши мумкин. Айниқса, Президентингиз томонидан аҳолининг кам таъминланган табақаларига ҳамда уларнинг маънавий-ҳуқуқий билимларини оширишга катта эътибор берилаётганлиги кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Мен истиқлол байрами билан бутун Ўзбекистон халқини самимий қутлайман. Ҳамиша икки халқ ўртасидаги ҳамкорлик янада кенг қулоч ёйверсин.

*Очил ҲАЗРАТОВ ёзиб олди.*

### Истиқлол илҳомлари



Сирожиддин САЙЙИД

## ВАТАН АБАДИЙ

*Баҳрайн сувларига чайдим юзимни,*
*Насимлар эсдилар илиқ, арабий.*
*Бир осмон тўлдириб келди кўксимни,*
*Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

*Не зотлар ўтдилар Ватандин айро,*
*Севинчи савдою соғинчи саҳро.*
*Кўксимни тўлдириб келди бир дарё,*
*Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

*Бобо қирлардаги бир хас ё тикан,*
*Шу ҳам кимларгадир зўр армон экан.*
*Кўп экан зар топиб, зор бўлиб юрган,*
*Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

*Ким охир бу даҳри дундан ўтмагай?*
*Ким охир бир куни асо тутмагай?*
*Тандан жон кетар, лек Ватан кетмагай,*
*Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

*Ҳар тепа, ҳар дўнглик турбат эмасдир,*
*Ҳар қандай айрилиқ ғурбат эмасдир.*
*Юртдан кетган ҳар зот Фурқат эмасдир,*
*Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

*Олмон тупроғида бир немис аёл,*
*Кўзда ёш, ўзбекча айлади савол.*
*Халқим, нону тузинг ҳамиша ҳалол,*
*Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

*Ҳар кекса, ҳар ёшнинг заҳматларида,*
*Азим чинорларнинг ҳикматларида,*
*Ҳазрат Яссавийнинг хилқатларида*
*Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

*Айб эмас аввалий ва ё соний
мимиз,*
*Агарчи инсонмиз вале фонниймиз.*
*Барчамиз ушбу кун Туркистониймиз,*
*Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

*Аста барг тўкмоқда зарҳал оғочлар,*
*Умр гўё тўлар божу хирожлар.*
*Келиб кетар экан қанча Сирожлар,*
*Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

## ТИЛАКЛАР

*Кўнгилларга сафо бергил,*
*Софлик беру оқлик бер.*
*Муҳаббат бер, мурувват ҳам*
*Меҳр бер, муштоқлик бер.*

*Оталарга фароғат бер*
*Ва роҳат бер бус-бутун,*
*Оналарга саодат бер,*
*Умр беру соғлик бер.*

*Ўғлонларга иқбол бергил,*
*Имон бергил саломат,*
*Шижоат бер, ору номус,*
*Доим кўкси тоғлик бер.*

*Латофат бер қизларга ҳам*
*Малоҳат бер, садоқат,*
*Яна ҳусну чиройига*
*Бахтини ҳам боғлиқ бер.*

*Ер кўксидан паноҳ бергил*
*Севиб севилганларга.*
*Севганларга ёр зулфидан*
*Дорлик бер, сиртмоғлик бер.*

*Айвонларга мунавварлик*
*Ой ва қуёш меҳридан,*
*Ҳар бир уйни бешиклик бер,*
*Аллалик, уйғоқлик бер.*

*Ким бўлмасин, тўкис айла*
*Ризқу насибасини,*
*Чеккан ранжу заҳматидан*
*Ҳар он вақтичоғлик бер.*

*Дўстлар сафин мустаҳкам эт,*
*Аҳил этгил, иттифоқ,*
*Душманларнинг қаторига*
*Тоқлик бер, тарқоқлик бер.*

*Ҳаволанмоқ нечун ахир,*
*Инсонмизку ҳаммамиз,*
*Ҳар кимга ҳам инсоф бергил,*
*Ўзингдан қўрқмоғлик бер.*

*Жилғаларга жавлон бергил,*
*Чопсин қўзичоқлардай,*
*Чўққиларга залвор бергил,*
*Қорлик бер, виқорлик бер.*

*Сен қўлладинг, тўлди гулу*
*Чечакларга бул Ватан,*
*Бундан сўнг ҳам бағрин баҳор,*
*Бўстонлик бер, боғлик бер.*

*Шеърга солмоқ учун шунча*
*Орзу ва умидларни,*
*Менинг шоир дилларимга*
*Дардкашлик бер, доғлик бер.*

### Қатра

## ЧИРОҚ

Янги келин келди-ю хонадонга файз кирди.

— Тани-жонингиз соғ бўлсин, энди ҳужрадаги нарсаларниям тозалаб саранжомлаб қўйинг, мен ҳам қарашвораман, — деди хола келинига.

— Ўзим қиламан, Сиз уринманг, — деди келин уй-рўзғор анжомларини артиб, тартиб билан қўяркан. Навбат эски лампага қолганда келин:

— Лампочкалар тунни машъаладек ёритиб турган бўлса, кимга керак бу? Уни тозалагунча бошқа қанча ишни битираман. Ҳозирча туратурсин, — дея четроққа суриб қўйди.

Бир ҳафта ўтди. Хонадондаги электр чироқлар вақтинча ўчди. Ҳаммаёқ зим-зиё. Даладан елини тирсиллаб келган сигир типирчилайди. Қозондаги ош тановулга интизор. Нима қилиш керак?

— Айтгандай, эски лампа бор эди шекилли, артиб-суртиб қўйгандингиз-а, болам? — сўраб қолди хола.

— Ҳа, ҳозир ойижон, — ҳужрага шошилди келин. Гугурт чақиб, лампани топди. Пилигини ҳиёл кўтариб ёкдида ёруғида шишасини артишга тушди. Одам шу чироққаям зориқаркан. Нега вақтида созлаб қўймадим.

Оддий лампа чироғи ёруғида ҳаёт яна изига тушди.

— Аждодларимиз шу чироқ билан тикишган. Бу чироқни унутмасак, фаровон ҳаётимизнинг қадрига янада етган бўламиз, — деди Солиҳ ака.

— Яхшиям келинингиз лампани тозалаб қўйгани, — севиниб деди хола.

— Барака топинг. Бахтли бўлинг, — миннатдор бўлди Солиҳ ака.

Ўртадаги чироқ бўлса келинга: «— Оталар чироғиман, мени унутма. Нурни нурга улайман. Мен борман юзинг ёруғ, хонадонинг файзли», — дегандек нур сочарди.

*Ғани АБДУЛЛАЕВ.*

